



РЕАЛИЗМ АДАБИЁТ ВА АЛЬБЕР КАМЮНИНГ БЕГОНА ҚИССАСИ

Аширова Маҳбуба Фирдавсиевна

Тошкент амалий фанлар
университети ўқитувчиси

mfashirova@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада француз реализм адабиётининг ёрқин намоёниси Альбер Камюнинг “Бегона” қиссидаги Мерсонинг ички дунёси ҳамда унга жамиятнинг муносабати хусусида сўз боради. Бунда инсон руҳиятини талқин қилишдаги ёзувчи муносабати алоҳида эътиборга лойиқ.

Калит сўзлар: Альбер Камю, “Бегона” қисси, экзистенциализм, реализм адабиёти, жамият, фалсафа.

КИРИШ

Реализм адабиёти ҳаёт ҳақиқатини реал чизгилар орқали ифода этиши билан характерланади. Шу маънода дунё адабиётида ўз ўрнига эга бўлган Альбер Камю асарлари ҳам реализм адабиётининг ёрқин намунаси сифатида эътироф этилади. Фалсафа фанлари доктори, профессор А.Н. Фатенков ушбу ёзувчининг асарини таҳлил қилар экан, уни экзистенциал реализм адабиётининг намунаси сифати талқин қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Бегона” қисси хусусида сўз кетганда, аввало, дастлабки муҳим манба сифатида унинг хотиралар китоби¹ни келтиришимиз мумкин. Унда ижодкор лабораторияси тасвири, у оламни қандай қабул қилиши ҳақидаги ахборотларни олишимиз мумкин. Бу бизга асарни тушунишимизга, уни мос тарзда таҳлил

¹ <https://readli.net/chitat-online/?b=21830&pg=1>



қилишимизга кўмак берувчи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек Камюнинг “Сизиф ҳақида миф” асари ҳам унинг “Бегона” қиссасидаги Мерсонинг рухиятини теранроқ тушунишга ёрдам беради². Шунингдек А.Н. Фатенковнинг Экзистенциал реализм тафаккур ва шахс талқинида (Экзистенциальный реализм в смыслах и лицах)³ номли мақоласида ҳам мазкур масалага чуқур тўхталинганини кўришимиз мумкин.

НАТИЖАЛАР

Альбер Камюнинг хотиралар китобида ўзининг рассом эканлигига ҳамда тасвирни сўзлар орқали ифода этишига ишора қилади. Буни биз ижодкорнинг “Бегона” қиссаси орқали ҳам далиллашимиз мумкин. Зеро, у Мерсонинг онасини тобутини олдида келгандаги ҳолатида чизилган тасвирлар жуда ёрқин ифода этилган бўлиб, ўқувчи кўз олдида мазкур манзара яққол гавдаланади.

Асарда, эҳтимол, биров бўрттирилган тасвир инсоннинг ички оламига унинг ички суҳбати ва ўй хаёлларига мўралайди. Унинг онг ва онг остида кечаётган жараёнлар ва жамиятнинг мазкур манзарани қай ҳолатда қабул қилиши тасвирланади. Аҳмад Аъзам таржимаси орқали ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган китобда ҳам унга “ўй-хаёллар ҳукмдори” дея таъриф берилади⁴.

Мерсонинг кўнглидан кечаётган ҳисларини гапиртиради ва жамиятнинг бу ҳолатга муносабатини тасвирлайди. Онасининг тобутини олдида бўлган манзарада ҳам шу ҳолатни яққол манзараси кўринади. Тобутни очайликми, дейилганда Мерсо йўқ, дейди ва кейин ўнғайсиз вазият вужудга келади. Шунда асар қаҳрамони бунақа демаслигим керак эди, дейди.

Воқеалар Мерсонинг назари орқали ўқувчига тақдим этилар экан, қизиқ ҳолат, қарияларнинг жасад олдида тунни ўтказиш манзараси берилар экан, эшикбон

² <http://me.hse.ru/wp-content/uploads/sites/28/2019/04/%D0%9A%D0%B0%D0%BC%D1%8E-%D0%90.-%D0%9C%D0%B8%D1%84-%D0%BE-%D0%A1%D0%B8%D0%B7%D0%B8%D1%84%D0%B5.pdf>

³ Фатенков А.Н. Экзистенциальный реализм в смыслах и лицах: Альбер Камю. *Философские науки*. 2015;(9):64-78.

⁴ Камю А. Бегона, Т.: Ёзувчи, 1995. 320 бет.



томонидан вақт бўлди, деган жумласи гўё ўз кадрдонининг вафотидан куйиб-ёнаётган қариялар тасвирини синдириб ташлайди. Шунчаки, оқида бўйича ўтириш керак бўлганлиги учун, жамият шундай қилганги сабабидан бир кеча жасад билан қоладигандек, ўзларини ҳамдард кўрсатиш ҳам атрофдаги одамларининг нигоҳ учундек таассурот қолдиради. Мерсо шу жамиятнинг кўрар кўз учун бўлган қоидаларини синдириб кўнгли истаганидек, онгида нима кечаётган бўлса, ички нутқи нимани гапираётган бўлса шуни рўй-рост жамият билан бўлишаётган қаҳрамон тимсолида гавдаланади.

Мерсонинг ўй-хаёлларидан иборат ушбу асар инсон ички нутқининг жамият билан нақадар ҳамоханг эмаслигини ифода этади. Биз яшираётган, ўзимизгагина маълум бўлган менимизга жамиятнинг мунтсабтини кўришимиз мумкин. Инсоннинг асл мунида кечаётган ҳисларнинг ошқоро элакдан ўтказмасдан омма олдида намойиш этилиши ортидан келаётган оқибатлар влмга олинади назаримиздаа.и Шу маънода асар сўнгида Мерсо ҳаётни ачинарли якуни ҳам янада ёрқинроқ асос берди, бизнингча.

Бу масала ҳусусида Наргиза Турсунова сўз юритар эка, Мерсони “абсурд одам” сифаътида талқин этади⁵. Мақола муаллифи сўзининг охирида бегона – бу тартибсизлик, номувофиклик, ихтилоф ва ўзгаришлар ҳақидаги асар дея якунлайди. Кўринадики, олима масаланинг яна бир қиррасидан назар солади ва бу фикр қуйидагича талқин қилинганда ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолади, назаримизда. Тарбию қоидалар бу жамият, ва ҳар бир инсоннинг онг ва онг остида тартибсизликлар мавжуд. Мана шу тартибсизликлар ва тартибнинг ўзаро тўқнашуви жамиятда қандай вазиятни юзага келтиради. Мана шу манзара кўз олдидмизна намоеён бўлишига ёрдам беради ушбу асар.

МУҲОКАМА

⁵ <https://moluch.ru/archive/336/75087/>



Психлогларнинг фикрича инсонда 3 та “МЕН” мавжуд бўлади: улардан биринчиси, бутун жамият олдида намоён бўладиган “мен”. Бу, одатда, анча таҳрир қилинган. Жамият қоидаларига кўпроқ бўйсунган шаклда намоён бўлади. Иккинчи, “мен” эса инсоннинг ички менига яқинроқ бўлиб, инсонинг ҳақиқий ички дунёсини бироз намоён қилади. Бироқ бу ҳам бутунлай инсонни борлигича ўзини ифода этишга имкон бермайди. Сўнгги “мен” эса кишининг борица кўринишга имкон берадиган босқичдир. Айнан Мерсонинг хатти-ҳаракатлари шу сўнгги босқичдаги “мен”ни жамият билан рўбарў келган ҳолатини тасвирлайди. Ва унинг оқбатлари жамиятнинг бу ҳолатга муносабатини кўрсатишга ҳамракат қилади, назаримизда.

ХУЛОСА

Альбер Камюнинг Бегона қиссаси дунё адабиётига абсурд кечинмаларни баён этган асар сифатида танилган ва жаҳон адабиётида ўзига хос ўрнига эга бўлган адабиёт намунасидир. Асар қаҳрамони МЕРСОНИНГ ички кечинмаларини ёритишга бағишланган ушбу асар инсоннинг ички оламида кечаётган ўй-фикрларни шафқатсиз рақишда очиб ташлашга хизмат қилади. Асар қаҳрамоннинг “самимият”и жамият томонидан қай даражада қабул қилиниши очиб берилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Моэм Сомерсет (2020). Театр. – Тошкент: Янги аср авлоди, – 436 б.
2. Ёзувчининг иқдорлари. Таниқли ёзувчи Габриел Гарсиа Маркес билан суҳбат // Рўзиев А. Таржимаси, Хуррият газетаси-2012-йил, № 5
3. Камю А. Бегона, Т.: Ёзувчи, 1995. 320 бет.
4. Қуронов Дилмурод (2012). “Қалбларни ларзага солган ҳиргойи” // Хуррият газетаси, № 8.
5. Норматов Умарали (2021). “Беназир истеъдод соҳиби”. – Тошкент “Ўзбекистон”.
6. Фатенков А.Н. Экзистенциальный реализм в смыслах и лицах: Альбер Камю. *Философские науки*. 2015;(9):64-78.



7. Камю Миф о Сизиф. <http://me.hse.ru/wp-content/uploads/sites/28/2019/04/%D0%9A%D0%B0%D0%BC%D1%8E-%D0%90.-%D0%9C%D0%B8%D1%84-%D0%BE%D0%A1%D0%B8%D0%B7%D0%B8%D1%84%D0%B5.pdf>

8. Хасанова Л. (2021). Ўзбек адабиётшунослигида образ ва тимсол тушунчасига оид баъзи мулоҳазалар. “Til ta’limining ta’minlashda innovatsion texnologiyalar” respublika onlayn ilmiy-amaliy konfensiyasiya, 273-277 b.